

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети

## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

(Қадимги, эски туркий ва эски ўзбек  
тили манбалари асосида)

Маърузалар матни



0000002767

Тошкент - 2000



## Уқтириш хати

Олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўрганиладиган «Ўзбек адабий тили тарихи» курсининг дастлабки «қалимги туркий тил» «эски туркий тил» шунингдек «эски ўзбек тили» ҳамда кейинги XIV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврлар бўлими III курснинг 7 семестрида ўқитилади. Мазкур маърузалар матни шу семестрда ўтиладиган мавзулар саралаб киритилди. Зарур илмий адабиётлар ҳар бир мавзу охирида кўрсатиб борилди.

Маълумки, Олий ўқув юртлири талабаларига мўлжалланган «ўзбек адабий тили тарихи»га оид дарсликлар бир неча бор мутахассис-муаллифлар томонидан тайёрланиб нашр этилса-да, ўзбек тили, ёзуви тарихи махсус илмий тадқиқ этилмаган. Айниқса, Ўрта Осиё Халқлари тилида қўлланилган қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек тили лексикаси, унинг дастлабки уруғ, қобила тили (шева кўриниши) этимологияси бугунги кун тадқиқот режаларидан бири бўлиб турибди. Шу мақсадда мазкур маъруза матни мавзулари фанца янгича усулда тушунтириш, назарий хулосалар бериш асосида дастлабки ҳаракатлар ҳисобланади.

Ўзбек халқи ва тилининг номланиш тарихи  
РЕЖА:

1. «Турк», «Сорт», «Чиғатой», «Ўзбек» атамалари ҳақида. Бу номларнинг пайдо бўлиши тарихи ва қўлланган даврлари.
2. Бу атамалар тўғрисидаги қарашлар. Бортольд Будагов, Радлов, Кононов, Благова ва бошқалар.
3. Бу номларнинг илмий этимологик таҳлили ва турли қарашлар.

Туркий манбаларнинг гуваҳлик беришича ўзбеклар қадимдан муғул, тунгус-манжур, корейс, Япон, шунингдек барча туркий тили халқлар билан биргаликда Олтой тилларида сўзлашувчи оилага мансуб халқлардан бири ҳисобланади.<sup>1</sup> Чунки Олтой тили дастлаб 2 гуруҳга тунгус-манжур ва турк-муғул тилларига. Турк-муғул тили эса ўз ичига яна турк ва муғул тилларига ажралиб кетади. Ўзбек тили ҳозирда ўз адабий тилига эга бўлган 20 дан ортиқ туркий тилларнинг этник состави ва нуфузи жиҳатидан кенг тарқалган, ўзининг бой адабий матнларига эга бўлган тил деб таъкидланиб келмоқда.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, илмий адабиётларда даврлар мобайнида ўзбек халқи ва унинг тили «Турк», «Сорт», «Чиғатой» ҳамда «Ўзбек» атамалари билан номланиб келди.

**Турк атамаси.** Дастлаб ўзбек халқи ва унинг тили барча туркий халқлар атамаси бўлган «Турк» номи билан юритилган. Бу ном Ўрта ва Марказий Осиёда яшайдиган туркий (қорақалпоқ, қозок, қирғиз, туркман, уйғур), Волга бўйидаги (тотар, бошқирд, чуваш), Кавказдаги (озарбайжон, қумиқ, нуғай), Сибирдаги (олтой, хакас, Тува, Ёкут) халқлар шулар жумласидандир. Турк атамаларининг келиб чиқиши яъни этимологияси ҳусусида Хитой йилномаларида, қадимги турк битикларида, эски туркий манбаларда, ҳамда тарихчи, турколог олимлар тадқиқотларида характерли маълумотлар келтирилган. Айлиқса, М.Қашғорий, А.Навоий, З.М.Бобур, Бортольд, Толстов, Бернгам, Вонбери, Радлов, Будагов, Кононов, Благова, А.Ахмедов, Қ.Махмудов ва бошқаларнинг илмий маълумотлари диққатга сазовордир.

Турк атамаси VI - VII асрларда қадимги турк тили битикларида учрайди. Турк будун- турк (қора, оддий) халқи, «Кўк турк» - эркин, озод турк маъносида хитой йилномаларида тук-ю, туг-ю шаклида учрайди. Хитойликларда Р ишлатилмайди. Суй династиясининг тарихи изоҳида (580-619) тугю-дубулға маъноси таъкидланади. Қадимги эрон тилида ҳам Турк сўзи дубулға маъноси билдирган. Умуман Турк- аскарларнинг бош кийими каби умумий маъноси бор. Қорақалпоқ, қизил бош каби.

Бартольд, Бернгам ҳамда Толстовлар турк сўзи сиёсий, ижтимоий, кейинчалик қабилалар уюшмаси номини билдирган деган хулосага келганлар.

<sup>1</sup> А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов. Қадимги туркий тил. Т.: 1982.

Турк сўзининг этимологиясига оид икки хил талқин бор.<sup>1</sup> Бири Марказий Осиё халқлари тарихи билан шуғуланувчи олимлар томонидан (И.Бичурин, Н.Гумилёв ва бошқалар) айтилган. Бу олимларнинг фикрига кўра энг қадимги туркий забон халқ Хитой сономларида милоддан аввалги 1756 йилдан бошлаб эса олинган бўлиб, у халқ «хун». «хунлар» деб аталган. Уларнинг тили туркий бўлишига қарамай, уларнинг ўзи ҳам, бошқа туркий забон халқлар ҳам у даврда турк деб аталмаган. Турк сўзи этник (халқ) номи сифатида милодий V асрдан бошлаб учрайди. V асрнинг иккинчи ярмига келиб Марказий Осиёдаги Хун давлати парчаланиб кетган. Лекин шундай бўлса ҳам хунларнинг унча катта бўлмаган бир тоифаси ўз атрофига қисман мўғул ва хитой мухожирларини бирлаштириб, ҳеч қандай ҳокимият ва давлатга бўйсунмаган ҳолда кўчманчилик қилиб кун кечирганлар. Ўша хун тоифасини, уларга кейинчалик кўшилган мўғуллар»Турк уту», яъни мўғулчада «бўри уруғи» деб атаганлар. Хунларнинг бир уруғи ўзларини «бўз курт» деб атаганлар. Лекин атрофдаги қобилаларга уларнинг мўғулча номи «турк-уту» кунроқ қулай келган. VI аср бошларига келиб, ўша қобилалар уюшмаси сон жиҳатидан ортиб ва кўпаявериб исмида эса охириги-ўту буғини тушиб қолиб, фақат «турк» деб аталиш адабий тусга кирган. Шу тариқа VI аср ўрталарига келиб, Марказий Осиёда турк ҳақонлиги таркиб топади. Унга асос солган кишининг номи ҳам Ашин, яъни мўғулча маъноси бўри эди. Ўша даврдаги форсларнинг таъбирича (масалан; Авестода) Эроннинг шимолидаги барча ерлар асосан турклар истиқомат қиладиган мамлакат бўлиб қолган. Бу ерлар форсчада турли даврларда Турон, Туркистон деб ҳам аталиб келди.

Иккинчи талқинга кўра славянлар ишлатадиган «турок», «турки» турчи «Турция» номларининг умумий ўзаги турк бўлиб, унинг форсча кўпчилиги, туркон, турки даврлардаги номи турк эканлиги англашилади. У ҳолда қадимги туркларнинг ўзида турк дейилиши кушлик шаклида бўлиб, турклар деган маънони англатган.

Турон сўзининг талқини ҳақида айрим ҳозирги замон лингвистларининг (Гамифелидзе, Иванов ва бошқалар) фикри ҳам аҳамиятга моликдир. Бу фикрга «Турон» сўзининг ўзаги «тур» асос килиб олинган.

Ўз-ўзидан тарихий шароит бош бўғин туркларнинг қавмларига бўлинганлиги аниқ. Туркий қавмлар ҳақида Ҳасан Ато Абдуший «Туркий қавмлар тарихи» номи асар ёзиб, қавмларнинг бўлинишини кўрсатган. Бу китобда Туронликлар ва турклар тўғрисида қуйидагича фикр юритилади: «Авлоди Ёфасдин мўғул қиёфали бир одам (муаррихлар қавминча Турк) қавм ва қобиласи ила Осиё тоғлари теграсина келуб йерламишлар. Тарих ва илми қиёфа ва илм-ас-сина уломасининг тафтиши ва таҳқиқи ила қавми турониядан ушбу қавмлар саналадилар: Хитой-Чин, Хиндухитой-Мочин, Тибет-Онном халқлари Ёпун қавми, Куриё халқлари Фин уруғлари, Турк халқи, Тогар ва

<sup>1</sup> А.Ахмедов. «Мулқот» журнали. 1991. 6-сон.

Мангуллар, Тунгуслар, Бурётлар, Молай уруғлари кутб-шимол тарафиндаги Гипурбури халқлари, Йўлқоғир, Филок, Ойи, Комчодали, Чукут, Қурён, Нумулус, Искумус Олийуг, Тилингут ва Ғайрлар.

Бу илм ила узоқ вақт шуғулланган ва яқин ошналанмиш немис уламосиндин Фридрих Муллик қавми Турониядин эллик икки қавм санайдир. Ушбунда зикр этилмишлардин баъзилари яна кўб қавмга бўлинадишар. Масалан, турк уруғи қавми (учун) ўн етти уруғ, фирқага бўлинмишдир. Ушбу қавмлар барчаси форсийларнинг Турок аталмиш Туркистон саҳросиндин сочилмиш халқ ўлдуклари учун қавми Турония аталмишдир. Туб ўринлари Олтой қавмлари халқинингда кўбраги Уғир ва ё Уйғур исминдаги қабиладин торқалдиғи учун Уғир Олтой гуруҳи аталмишдир. Турк уруғларининг ҳам барча шўбғаларинда мангул қиёфати очик мушухада ўлинмишдир. Бошқа қавмлар ила қотишмаган ҳолис турклар хос мунгуллардан-да ортиқроқ мангул қиёфатида тобилмишдир.<sup>1</sup>

Турклар тўғрисида шу тарзда умумий таъриф берилиб уларнинг маданияти, дини, давлат тузуми деҳқончилиги савдо ва тижорат саноати, ёзуви, улардан қолган ёдгорликлар, уларнинг армияси, илм-маърифати ва бошқалар тўғрисида ҳам маълумот бериллади.

Турклар халқ сифатида ўз маданияти ва умуман ҳар бир халққа хос нарсалари мукамал бўлган дейиш мумкин. Турсун Олалимов шу ҳақда «Қалб кўзи» газетасида «Қадимги туркийлар» номи остида мақола эълон қилдирган. Бу мақолада ҳам туркий халқлар маданияти, яшаш тарзи тўғрисида гапирилиб шундай дейиллади: Америкалик тарихчи олим От то Рериг қирк йиллик умрини Америка ҳиндулари тарихини ўрганишга бағиштаб, қатта ҳажмли китоб ёзди. У аниқ далил-исботлар асосида Америка ҳиндуларининг келиб чиқшини туркийлар билан боғлиқ дейди. Милод бошларида ўтган аجدодларимиз Шимолда Энисей (Енисей) Қизилёр (Красноярск), Орхот бўйларида истиқомат қилганини эсласак ва иқлим ўзгариши ички низолар туфайли бир қисми Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёга, яна бир қисми Чукотка орқали Шимолий Америкага ўтганига кўзимиз етади. Америкага ўтган туркийлар бу яйлов ерларни тез ўзлаштириб жанубий Америка ва Мексикагача бўлган ерларни эгаллаган. Бу ҳақда Америкалик олим Отто Рериг аниқ далил-исботлар билан ёзади.<sup>2</sup> Булгария пойтахти Софияда чиққан МУ қитъаси номли китоб муаллифи туркийлар 17 минг йиллик тарихга эга деб ёзади ва ҳозирги Хитой ва унга қўшни эллар ўрнида 17 минг йил аввал буюк уйғур салтанати бўлган деб ёзади. Демак, аجدодларимиз етти қитъанинг тўрттасини эгаллаган экан. Албатта улар шу жойларда, яъни ўзлари яшаган жойларда тараққиётга, маданиятга асос солинган. Кўҳна МУ қитъаси китобида муаллиф ашъвий далиллар билан ҳозирги Хитой худуди ва унга қўшни бўлган ерларни бундан 17 минг йил илгари

<sup>1</sup> Абуший Ҳасан Ато. Туркий қавмлар тарихи. Т.: 1995.

<sup>2</sup> Қаранг: Аббор Каримуллин. «Америка ҳиндлари ва қадимги туркийлар (О.Абдуллаев таржимаси)». Жаҳон адабиёти журнали. 1998. Октябр. 168-183-бетлар.

туркийлар эгаллаган деса Турғун Олмос аниқ исбот ва далиллар билан милоддан олдин ҳозирги Хитой ҳудудида аждодларимиз бўлган хиндулар давлат куриб ҳукумронлик қилганини ёзади. Булар хун туға давлати (304-329), «Хун давлат (329-350), «Туба Хун давлати (407-434) ва «Хун кутку давлати» (397-460)дир. Ота-боболаримиз милод бошларида ҳам ҳозирги Хитой ва унга қўшни ҳудудларда ўз таъсирини ўтказиб ҳатто давлат курган. Ёзма манбаларга караганда Хитой давлати тарихида Танг сулоласи номи билан ўчмас из қолдирган танг подшоси ҳам келиб чиқишига кўра туркий экан. Шу сабабдан бўлса керак, туркийлар мусиқасига, маданиятига кучли қизиққан саркардалари, маслаҳатчилари ҳам туркийлар бўлган.

Туркийлар қайси ҳудудларга тарқалган ва улар кейинчалик қандай уруғларга бўлиниб кетишганлиги ҳам ўзбекларнинг номланиш тарихи учун аҳамиятлидир. Шу ҳақда Қозоқбой Махмудов «Туркий қавмлар тарихи» мақоласида қуйидаги маълумотларни келтиради. Марказий Осиёда Кичик Осиёда, Волга, Днепр, Дон дарёлари бўйларида, Фарбий ҳамда Шарқий Сибирда мўғулистонда Шарқий Туркистондан, Ганьсу ва Ўрхос ўлкаларида яшаган туркий қавмлар уч минг йил давомида турли номлар билан аталиб келишган. Милодий санадан аввал саклар ёки саклар, хунлар номи билан яшаб келдилар. Шунингдек, милодий сананинг бешинчи асрига қадар туркий халқларнинг хун номи сакланиб қолди. Хитой империяси таъйини остида турк халқлари ўз ичида милодий санадан 57 йил аввал бўлиниб, жанубий хунлар, Шимолий хунлар Фарбий хунлар, Марказий хунлар, Шарқий хунлар номи билан ҳам юритилди. Бундан ташқари милодий санадан аввал II асрда ички Мўғулистонда ҳамда Ганьсуда яшаган хунлар ёки оқ хунлар ёвчи, юзчи номи билан ҳам яшаб Сурхондарё, Қашқадарё, Афғонистон, Жанубий Туркистонда ўрнашган эдилар. Орол денгизи бўйидаги хунлар эса хон, эфталитлар билан абдал номи остида оқ хунлар ёки кушонлар номидаги эфталитлар билан аралашиб милодий сананинг VI-VII асрлари давомида сак, хун, кушон эфталит деб аталган халқлар кўк турк номи билан жаҳонга машҳур бўлди. Кўк турк деб юритилган халқлар бир-бирига яқин умумтурк тилида сўзлашдилар. Кўк турк қавмлари жуда кўп қабилаларидан иборат эди. Бу даврдаги туркий қабилалар тили шева тарзида ривожланди. Кўк турклар даврида Ўрхун ёзма битиглари асосида умумтурк тили ҳам шаклланди. Кўк турклар, тўққиз ўғузлар ҳукумронлигидан сўнг, туркий қабилалар IX-XI асрлар давомида қайта сиёсий гуруҳларга уюша бошладилар. Шарқий Туркистонда индикутлар давлати пайдо бўлди. Шарқий Туркистонда, Еттисувда, Амударёнинг шарқий қирғоғидан Такламакон чўлларида қадар қорахонийлар давлати тузилди. Дашти Қипчоқда қирғиз-қипчоқ сиёсий иттифоқи вужудга келди. Орол денгизи, Сирдарё бўйларида Хоразмда, Хуросонда Салжўқийлар давлати тикланди. Хуросонда Шимолий Хиндистонда Газнавийлар давлати шунингдек, Кичик Осиёда ҳам Салжўқийлар давлати таркибида қарлук, чигил, ўғуз, қипчоқ қабилалари гуруҳлари яшаган.

Салжўкийлар давлати таркибида ўғузлар, қисман кипчоқлар истикомат қилганлар. Олтин Ўрда давлатини мўғуллар ва туркий қавмлар тузган бўлса ҳам, бу давлат таркибида кипчоқ қабила гуруҳи устун бўлган. Бундан ташқари унда булғор, татар, ўғуз қабилалари ҳам бор бўлган. Олтин Ўрда давлати туркий халқлар давлати эди. Бу кўрсатилган давлатларда турли туркий қабилалар гуруҳи асосида янги туркий халқлар ташкил топди. Қорахонийлар давлати таркибида туркий қавмлар асосида XX аср бошига қадар турк деб юритилган ўзбек халқи Шарқий Туркистонда эса янги уйғур халқи ташкил топди. Олтин Ўрда таркибида яшаган туркий қабилалар асосида татар, бошқарл, қоток, қирғиз халқлари шаклланди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Олтин Ўрда гуруҳи асосида XII-XIV асрда ўзбек элати XV аср охирида иккинчи қисмга бўлиниб, Дашти кипчоқда яшаб қолган ўзбек элатини эркинлик маъносини ифодаловчи қозоқ атамаси билан юритила бошлади. Шайбонийхон бошлиқ ўзбек элати эса ўз номини сақлаб қолди. Умуман айтганда Марказий Осиёдаги Туркий сулолалар Қорахонийлар, Фазнавийлар, салжўкийлар, Хорразмшоҳлар, Олтин Ўрда хонлари, Чигатой хонлари, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар, манғит амирлари, Хива хонлари, Кўкон хонлари ўртасида юз берган урушларнинг тахт талашув курашлардан иборат деб қараш лозим. Кўрсатилган сулолалар бири ўрнига иккинчиси келганди. Марказий Осиё халқларининг этник таркибий маданияти, диний таълимоти албан тарзида давом этган.<sup>1</sup>

Алишер Навоий «Муҳокамат-ул-луғотайн» асарида ўзбек халқини турк, турк тили, туркий, туркий улус, туркий алфоз каби сўз ва ибораларни кенг қўллаган.

«Бобуринома»да ва қадимги уйғур ёзуви ёдгорликларида «Турк» кучли, қудратли маъноларида қўлланган.

В.В.Родлов турк атамаси VI-VII асрларда уруғ номидан келиб чиққан дейди.

Г.Вомбернинг фикрича, турк содда маъносини билдирган. А.Н.Кононов «Турк атамаси таҳлилидан бир тажриба» (с.1.1. 1999 с.42) мақоласида мукамалроқ изоҳ беради.

Г.Ф.Благова (Варианты заимствования тюрк // тюрк в русском языке) Тюркологический сборник, 1972.М. мақоласида ҳам ушбу сўзнинг рус тилида қўлланиш вариантлари атрафлича таҳлил этилган.

Тарихчи олим Ашраф Аҳмедов ўзининг «Турон»<sup>2</sup> номли мақоласида ҳам турк сўзи этимологияси ҳақида шундай маълумотлар келтиради.

Хуллас, турк сўзининг тадқиқотчилар таҳлилида уруғ, элат, кучли, қудратли, алоҳида жангчилар гуруҳи қуролсозлар, дубулға, содда маънолари асосли изоҳланган.

<sup>1</sup> «Турк» сўзи тарихи билан боғлиқ мавзу Ўзбек филологияси факультети магистри Зухриддин Қудратов тўплаган илмий маълумотдан фойдаланилди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ашраф Аҳмедов. Турон, Мулоқот журн. 1991. 6-сон.



Сарт атамаси. Бу атама ва унинг маъноси ҳақида турли қарашлар мавжуд. Сарт дастлаб XI асрда Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида сартлар алоҳида гуруҳ ва унинг бошлиқлари борлиги ҳақида гап боради. *Уштинил ирки бу сартлар башы*. М.ҚошҒарийнинг «Девону лубабит турк» асарида сарт-савдогар маъносида қўлланган. Рашидиддиннинг «Жаме-ут-таворих» китобида муғуллар қорлуқларни сарт деб аташликлари, араблар эса Ўрта Осиёдаги мусулмонларни сарт номи билан аташган.

Навоий ва Бобур сарт атамасини форс-тожикларга нисбатан қўллаганлар. XVI асргача Ўрта Осиё шаҳарларида яшовчи тожиклар сартлар сифатида ишлатилган. Шайбонийхон истилосидан кейин ўтрок туркий аҳоли кўчманчи ўзбеклар томонидан сарт деб юритилгани маълум.

Венгер олими Вамбери «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» (1865) асарида сарт шаҳарлик маъносидадир деб ёзган эди. М.Қодиров шаҳар - х - шаар - сар кичиклар талаффузида ш - с га ўтган).

Сарт - санскрет тилида карвонбоши, савдогар, шаҳарлик маъноларини англатган XIX асрнинг ярмидан кейин сарт атамаси ўзбек маъносида қўлланадиган бўлди (Сартия эли, сарт тили, сартия лисони, сарт қавилари, Сартча - русча сўзлук ва бошқалар).

**Чиғатой атамаси.** Бу атама илмий, тарихий, адабий манбаларда муғуллар истилосидан кейин пайдо бўлди. Чингизхон вафотидан кейин унинг уртанча ўғли Чиғатойхон номи билан боғлиқ ҳолда Ўрта Осиё ерлари Чиғатой юрти, элатлар эса Чиғатой улуси, шу ҳудудда яратилган адабий, тарихий асарлар чиғатой адабиёти, унинг тили Чиғатой тили деб юритилганидан бўлди.

А.Навоий ўз асарларида Чиғатой, жўжи атамалари уруғ (қабила), кишилар гўдаси, гуруҳи номларини билдиргани ҳақида маълумот берган. Турк қавмлари жўжидур, иноқ, чиғатой.

Чиғатой номи ҳозир ҳам жойларда сақланган. Туркий тиллар тарзида чиғатой адабиёти, чиғатой тили, чиғатой туркийси атамалари ўзбек мумтоз адабиёти, эски ўзбек адабий тили тушунчаларини англатади.

Лутфий ўз девонида:

*Сендек санамни кўрмади Лутфий Чиғатойда*

*Чун сўйла хито хўбларига не бўлурсен деб.*

Чиғатой - Туркистон элида маъносида.

«Ўзбек» атамаси. Бу сўзнинг аниқ изоҳи ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда. «Ўзбек» сўзи биринчи марта Рашидиддиннинг «Муғуллар тарихи» китобида учрайди. Сўнгра Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхон (1312-1342) шунинг исми сифатида учрайди. Алишер Навоий асарларида, Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» сийда уруғ қабила маъносида «Абдуллонома» китобида эса отлик қушин маъносини англатган. Ваҳобов М. «Ўзбек социалистик миллати» китобида Абдулхайрхон ва унинг невараси ўз атрофига тўплаган барча уруғ ва

кабилаларнинг умумий йиғма номи - ўзбеклар деган фикрни билдириши  
 Х.Дониёров ўзбек сўзининг келиб чиқиши ҳақида бағафсил тўхталиб  
 қўлёзма манбаларга суяниб, XI асрда ҳам қўлланган деган фикрни илгар  
 суради. Масалан, Сурияда яшаган Араб тарихчиси Исома ибн Муниъ  
 «Китоб эл эътибор» (эътиборли китоб) асариди ёзишича, ўзбек қавми  
 мансуб кишилар анча мавқега эга бўлганлар.  
 ... улар орасида кушин амири (отабеги) мавсил ҳокими ўзбек, Ваҳид  
 ҳокими, Сунқур Дироз, мир Кунтуғди... ва бошқалар бор эди. ...Яна  
 Бурсун унга қўшинлар амири ўзбек бошлиқ уч минг отлик аскарин  
 юборди». Қўринадики, ўзбек қавмига мансуб бўлган кишилар унча  
 ерларда аввалдан яшаб келганлар, ўша ердаги шаҳарларга ҳоким хан  
 бўлганлар. Ўз қўл остиларида турк, ўзбек аскарлари кўп бўлиб,  
 бошқалар орасида уларнинг жасурликлари машҳур бўлган. (Каран  
 Дониёров Х. Ўз тарихимизни биламизми? Гулистон журнали. № 9, 1990  
 14-6) ўзбек сўзи уруғ, қабила, элат, сохий, одамахун, дилтортувчи,  
 суюкли маъноларида Лутғий, Атоий, Навоий асарларида ҳам кўп  
 учрайди.

*Бу улус то хўблар кўрдик эй ўзбеким,  
 Дилраболикда сизингдек шўхи раъно кўрмадук.*

Атоий

*Ўзбаки гулнора тўндун куйдум аимо ултурур  
 Лемуи терлик онинг остидаким жонон кияр.*

Навоий

Хуллас, ўзбеклар ўзининг узок ўтмиш тарихига, тил бойлигига,  
 сўзамоллигига эга бўлган халқлардандир. Ўтмишда бу халқ турк, сарт,  
 чигатой ва ўзбек атамалари билан юритилиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Абуший Ҳасан Ато: Туркий қавмлар тарихи. Т. 1995.  
 Қозокбой Маҳмудов: Туркий қавмлар тарихи. Хуррият. 1998. 24 июнь.  
 Ашраф Аҳмедов. «Турон» Мулоқот журнали. 1991. 6-сон.  
 Бўрибой Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Ўқитувчи.  
 1991.  
 Туркий халқлар. А.Абдуазиз. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.ю 1993. 19  
 февраль.  
 Қадимги турклар. Абдумалик Бобосев. Ватанпарвар. 1996. 24 июнь.  
 Ўзбек адабий тили тарихи. А.Мухторов. У.Санақулов. Ўқитувчи. 1995.  
 Тошкент.  
 Ортиқ Абдуллаев таржимаси. Аброр Каримулин «Америка хиндлари ва  
 қадимги туркийлар. Жаҳон адабиёти журнали, 1998 йил октябрь. 168-188.  
 бетлар.

Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар ўртасида туганган ўрни

ТИЖА:

1. Туркий тиллар, уларнинг тарқалган жойлари.

2. Туркий тиллар системасига умумий характеристика, туркий тиллардаги таркибийлик масаласи.

3. Ўзбек тилининг бошқа яқин қардош туркий тиллар (уйғур, қозоқ, қирғиз, туркман) билан фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан ўхшашлик ва фарқли томонлари.

4. Туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг ўзбек тили фактларини таъкирлашдаги аҳамияти.

Ўзбек тили туркий тилларга мансуб бўлиб Олтой назариясига кўра муғул, тунгус-манжур, қорейс ва япон тиллари билан биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил илади. Туркий тиллар дастлабки тунгус-манжур ва турк-муғул тилларига, турк-муғул тиллари турк ва муғул тилларига ажралган. Шундан сўнг туркий тиллар тарихида хун даври (шундан аввалги III аср милодий тўртинчи асаргача) бошланиб, туркий тиллар 2 тармоққа-Шарқий ва Ғарбий хун тилларига бўлинади.

Мелоднинг V-X асрларида турк даври вужудга келган. Умумхалқ ўзбек тилининг тарихи олтой давридан бошланса, ўзбек адабий тилининг тарихи Ёзма ёдгорликлари маълум бўлган қадимги турк давридан бошланади. Ёзма обидалар барча турк халқлари учун муштаракдир.

Ўзбек тили бошқа туркий тиллардан унлилардан қаттиқ-юмшоқ, ун-қисқа, микдор сифати билан фарқ қилади. Ўзбек тилида 6 та (а,о,у,уи) қирғиз тилида 8 та (а,э,о,о,у,уи), уйғур тилида ҳам 8 та (а,э,э,о,о,у,уи). Ўзбек тили ундошлар системаси бошқа туркий тиллар билан мос келади. Баъзан бошқачароқ талаффуз этилади. Масалан: ўзбек туркманларда қипчоқларда й >ДЖ,ж йигит-жигит, йўқ-жўқ; ўзбек тилида т,к ўғуз гуруҳида темир-демир, тил-дил, кўз-гўз, кун-гун; ўзбек тилида ч ундош қорақалпоқ, қозоқ тилларида - ш -с ишлатилади. Қуч-қуш, тиш-тис, бош-бос каби; ўзбек тилида ғ сўз охирида татар, боқард, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида в(у) тоғ-тов-тоу; соғ-сов-сау каби.

Туркий тиллар ўртасидаги қариндошлиқ, умумийлик хусусиятлари тилларнинг ички структурасида яққол сезилиб туради. Бу умумийликдаги мос келмайдиган фонетик, грамматик лексик фарқлар тил тарихи тараккиятининг сўянги давлардаги ўзгаришидир. (Қаранг: 45-бет).

Туркий тизимга қирган тиллар уларнинг фонетик, грамматик, лексик жиҳатдан муносабати ўзбек тилидаги сўзлар бошқа туркий тиллардаги каби асосан уч товушлидир: бил, дил, тил, кел, кол, кўз каби. Туркий тилларда каби ўзбек тилида ҳам от, ов, каби бир бўғинли, икки, олти ўқи каби икки бўғинли сўзлар кам. Баъзи сон ва сўнг кўмакчиларни ҳисобга олмаганда ост, орт, уст, тўрт каби. Барча Туркий тиллар сингари ўзбек тилида ҳам аффикслар ундош билан бошланади, ушққа бириг-кетин кўшилади.

М.Кутубхоналаримиздагиларни. Маълумки, ўзбек тили турк қарлук, кипчок гуруппаларига кирувчи туркман, қорақалпоқ, қишлоқ қирғиз, уйғур тилларига яқин ва ўхшаш (Самойлович таснифида ҳам)

Туркий тилли халқлар қанчалик қўшни, яқин яшаганлар тилларида ҳам умумийлик кучли сезилади. Яқин алоқада бўлмаган (тектува, хакас) халқлар тилида муштараклик йўқ, деса ҳам буларнинг фарқлар, айниқса, лексикада сезилади. Баъзи тилларда чорвачилик ривожланган (ёқут) шу атамалар актив истеъмолда. Қишлоқ хўжалик нахтачилик деярли йўқ, атамалари ҳам учрамайди.

Туркий тилли халқлар миқдор жиҳатидан дунёда катта урпақ тутади:

1. Мустақил давлат ҳисобланган туркий халқлар: турк, ўзбек, қозоқ, туркман, озарбайжон, қирғиз ва бошқа.

2. Мухтор жумҳуриятларга қарашли туркий халқлар: қорақалпоқ, татар, бошқард, тува, чуваш, ёқут.

3. Мухтор вилоятлар, кўнимиллатли жумҳуриятларда яшовчи туркий халқлар: олтой, хакас, гагауз (Молдова), қорачой-болқар (Кобарини-болқор) Кумик (доғистон мухтор жумҳурияти), Нўғой (Россия), уйғур (Шарқий Туркистон, ўзбекистон, Қозоғистон).

4. Тили давлат тили даражасига кўтарилмаган, ижтимоий вазифаси чегараланган, расмий ёзувга эга булмаган туркий халқлар: Қароим, шор, чўлим тиллари (қаранг: Н.А.Баскаков. Алтайская семья языков и ее изучение. М, 1981.)

Туркий тилда сўзлашувчи халқлар Афғонистон, Эрон, Хитой, Югославия, Албания, Греция ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам яшайди. Жумладан, ўзбеклар ҳам шу хорижий мамлакатларда яшайдилар.

Ўзбек тили чет элларда ўрганилмоқда. Америка, Туркия, Германия, Швеция, Афғонистон ва бошқаларда.

Қадимги туркий адабий тил.

РЕЖА:

1. Қадимги туркий тил даври ёзма (XI асргача) ёдгорликлари.
2. Бу давр ёзма ёдгорликларининг ўрганилиши.
3. Ўрхун-Енисей ёзуви ва унинг ёзма ёдгорликлари.
4. Уйғур ёзуви ва унинг ёзма ёдгорликлари.
5. XI асргача яратилган ёзма ёдгорликларнинг тил хусусияти. Бу ҳақда умумий маълумот.

Қадимги туркий тилнинг бизгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликлари V-X асрларга мансубдир. Бу даврга мансуб ёдгорликлар турк-руний (урхун ёнасои), уйғур, монавий, суғд, брахма, сурёний ёзувларида битилгандир.

VI асргача туркий уруғ ва қабилалар хун (Шарқий хун ва Фарбий хун) давлати таркибида бўлган. Турклар VI аср ўрталаридан бошлаб йирик қабил атифоқига бирилашиб, мустақил давлат -турк хоқонлигини

барин қилган. Харбий ва сиёсий қудрати кучая борган турк хоқонлиги эфронлар давлатини тор-мор қилади. Унинг чегараси Амударёдан Қозонгача ва Шимолий Хитойдан Хиндистонгача чўзилган эди. VI асрнинг 80-йилларида турк хоқонлиги бўлиниб, Шарқий ва Ғарбий турк хоқонлигига ажралиб кетади. Шарқий турк хоқонлигининг Марказий Азияда ўрнатган ҳокимияти қисқа муддатда мавқеи пасайиб VII асрнинг охиридан Хитойга қарам бўлади. 681 йилдан бошлаб хоқон қутлуғ (Историк) ва унинг маслаҳатчиси Тунюқук мустақилликни қўлга киритиб, 682-745 йиллари хоқонликнинг кучайган даври ҳисобланади. Хоқон Билга (734) вафотидан кейин аста-секин урушлар натижасида Шарқий турк хоқонлиги парчаланadi. 745 йилда уйғурлар томонидан ёқиб олинади.

Маркази Еттисув бўлган Ғарбий турк хоқонлиги эса VII асрнинг 1-ярмида Шарқий Туркистондан Каспий денгизигача ўз ҳукмронлигини ўрнатган эди. Аммо ички низо шимолий қўшни ва Хитой давлатларининг ҳужуми натижасида Ғарбий турк хоқонлиги ҳам тугатилади. Туркларнинг бир қисми Шарқий Туркистонда ўзларининг иттифоқини барпо қилади. Еттисув ва унинг атрофларини эса тиргешлар эгаллади. Кейинчалик бу территория Олтойдан кўчиб келган қарлуқлар қўлига ўтади. VII асрдан элтиборан Сирдарёнинг қуйи қисмидан Қорақумгача бўлган ҳудудда уғуллар ўз давлатини барпо қиладилар.

Туркий тиллар тараққиёти, яъни қадимги туркий даврдаги туркий тил ва қабилалар, уларнинг тилларига оид битиклар мавжуд. Бу давр туркий урувлари тарихи ва тилларига оид маълумотлар Урхун-Энасой ёзуви ёдгорликлари орқали аниқланган. Бу битикларнинг кўпчилиги айниқшалар рус олимлари томонидан топилган. Айниқса, сибирлик ўлкашунос Н.М.Ядринцев 1889 йилда муғулистонда Урхун дарёси бўйларидан топган ёдгорликлар дастлабки маълумот сифатида аҳамиятлидир. Худди шундай ёдгорликлар Энасой, Лена дарёлари ҳамда Байкал кўли атрофларидан, шунингдек Қирғизистоннинг талас vodiysидан топилган.

Тошларга ўйиб битилган, идиш, танга ва қоғозларда ёзилган Урхун-Энасой битиклари ўз вақтида ўқилиши жумбоқ бўлган, қадимги скандинав-Герман тилларига оид рун, руний (руна-сирли, яширин) ёзуви номи билан юритила бошлаган, бу ёзуви XIX аср 90-йиллари даниялик олим В.Томсон ва рус туркшуноси В.В. Радлов дастлаб ўқишга муяссар бўладилар.

Эски туркий адабий тилнинг номланиши

РЕЖА:

1. Эски туркий адабий тилнинг номланиши.
2. Худудий ва этник яқинлик.
3. Туркий тиллар (Маворуннаҳрдаги) ни ўрганишда битиктошлар ва ёзма обидаларнинг аҳамияти.

#### 4. Эски туркий тил фонетикаси. Қадимги туркий тилдан фарқи («Хибатул-хақойиқ» асосида).

1. XI асрдан эътиборан халқ тили билан адабий тил кескин фарқланган бўлсада, эски туркий тил даврига келиб умумлаша бошлади. Аммо эски туркий адабий тил ёзма манбаларда халқ тилидан фарқли тарзда бир неча номлар билан аталиб келинди. Маълумки, XI асрда ғарбий диалект турк-эрон, Мавароуннаҳр ва Хоразм ўғуз-кипчик, Шарқий диалект-қарлук, чигил, уйғур диалектлари ўзаро фонетик, лексик, грамматик ва услубий жиҳатдан фарқланар эди. М.Кошғарий диалектлардаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиб чиқиб, ғарбий диалектни ўғуз, шарқий диалектни турк тили номи билан атади.

Турк тили Қорахонийлар ўлкасидаги шеваларга асос солган умумлаштирилган тил сифатида М.Кошғарий марказий ўлка халқлари тилларини эътиборга олиб «ҳоқония тили» деб ҳам атади. Шу ҳудудда яшовчи халқлар учун бу адабий тил деб қабул қилинган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «Бугроҳон тили» деган атама бор. Бу ҳукмрон табақалар учунгина эмас, маълум бир ҳудуддаги халқларга тушунарли бўлган тилдир.

Қорахонийлар даврида, XI-XII асарларда жуда кўп ёзма асарлар яратилиб, булардан баъзилари йўқолиб, бир қисми ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Бу асарларда фалсафа, сиёсат, дидактика, тилшунослик ва бошқа кўлаб соҳаларда баҳс юритилади.

XI асрларда Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда яшаган туркий қабилалар ўргасида иқтисодий, маданий алоқалар кучайиб боради. Шу билан бирга ислом динини қабул қилган туркийлар араблар билан ҳам ана шундай алоқалар ўрнатди. Бу нарса ўша даврда яратилган асарларда қайд этилган.

Бу даврда яратилган ёки бундан бирозгина олдин ё кейинроқ яратилган асарлар тили, ёзилиш қоидаси жиҳатдан бир-бирига ўхшасада, туркий қабилаларнинг диалектал ўзига хослиги, айниқса, фонетик, лексик, морфологик томонлардан, оз бўлса-да, фарқланади. Лекин бу хусусият ҳозирда ҳам мавжуд бўлган шева кўринишида бўлиб, умумий мулоқот учун жиждий таъсир этмаган.

Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул-хақойиқ» асари. Олимларнинг айтишича бу асарнинг қатъий аниқ яратилган йили йўқ, аммо XI-XII асарларда ёзилган деган фаразлар мавжуд.

Асарнинг тил хусусиятини ўрганиш, унинг ёзилган вақтини аниқлашда катта ёрдам беради.

Бу даврда, яъни «Хибатул-хақойиқ» асарда қўлланган сўзларнинг лексик, фонетик, грамматик хусусияти бир томондан, «Қутадғу билик»ка яқинлашса, иккинчи томондан, ўзидан кейин яратилган Бурхониддин Рабғузийнинг «Қиссасул-анбиё» асарига ўхшаб кетади.бундай характерли хусусиятни ҳисобга олиш зарур. Шунга асосланиб, Бертельс қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда ушбу асар «кўприк» вазифасини ўтади, деб кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, бу хусусиятни унинг фонетик ва грамматик жиҳатларда кўриш мумкин.

XI-XIV асрлар учун характерли бўлган сўзлар «Кутадғу билиг» ва «Қиссасул-анбиё» да учрагани каби «Ҳибатул ҳақойиқ»да ҳам учрайди. Шунга асосланиб асар XII аср охири XIII аср бошларида яратилган дейиш мумкин. Бу асар панднома руҳида бўлиб, ўзбекча номи «Ҳақиқат совғалари» деган маънони ашлатади. Асар номи турли тадқиқотда турлича тилга олинган; «Айбатул ақойиқ», «Атебатул ҳақойиқ» каби. Бу асар қайси халқ ёдномаси эканлиги ҳақида олимлар ўртасида баҳслар бўлиб келмоқда. Тарихий ҳудуд-яхлитлиги, уруғ ва қабилаларнинг аралаш тарздаги ҳаёти ва кейинчалик миллий чегараланиш бунга сабабдир. Шундай пайтда қайси халққа тегишлиги унинг лексик, грамматик ва фонетик хусусиятларидан аниқланади. Бундан ташқари асарда қайси халқнинг номи тилга олинса, макони, замони, тарихий шахслари ҳақида фикр юритилса, қайси халққа мансублиги аниқланиши осон бўлади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» да шундай сатрлар бор.

*Тамоми эрур қошғарий тил билса,*

*Айтмиши адиб риққати тил билса,*

*Агар билса қошғар тилин ҳар киши,*

*Билур ул адибнинг неким аймиши.*

Маъноси: Адиб қошғар тилида тушунарли китоб яратди, Агар ким қошғар тилини билса, адибнинг нима ҳақда сўзлаганини билади.

Асарнинг яратилган жойи Югнак шаҳри ғарбий Туркистон ҳудудида жойлашган.

Энди асардан бир неча сатрлар келтирамиз.

*Илоҳий, ўқуш ҳамд аюрман сенга,*

*Сенинг раҳматингтин умармон унга,*

бу ерда: ўқиш-мақтов; умармон-умидворман;

Яна: Муқирман - иқроман. қоч-қанча; анга-англа, тушун; Йема-яна; эшин-халифа; эриксиз-қўрқмас, тўнга-баҳодир. Эдизрак-азизроқ; эдиз-азиз, кўп; тавор-товар, мол; Келдим-кийим; очун-дунё; эдтулик-яхшилиқ.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, асосий фарқ фонетика ва қисман лексикада кўзга ташланади.

«Ҳибатул ҳақойиқ», «Наводур сўзуг оз бўлур азл ўнуш,

*Жуз атлас бўлур қиз учузи бўзуғ»*

Яъни: «Қимматли сўз оз бўлар, ҳазил сўз кўп, бир нарча атлас киммат, бир жуфт бўз арзон каби».

Эски туркий тилни ўрганиш учун ўша давр ёзма манбаларига мурожаат қилинади. «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳам кўпчилик туркий халқларнинг тил хусусиятларини диахроник ва синхроник томондан ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Ўша давр асарларининг фонетик хусусиятларини ўрганиш: 1) Ҳозирги замон ўзбек тилининг тарихий тараққиётида юз берган фонетик ўзгариш ва тараққиёт, қонунларини очишда ёрдам беради; 2) Мавжуд

Ўзбек тили шевалярининг ташкил топишида иштирок этган қабила тилларининг ўрнини белгилашда катта рол ўйнайди; 3) Қадимги ўзбек тили билан бошқа туркий қардош халқлар тили ўртасидаги муносабатни белгилайди; 4) эски ўзбек тилига хос фонетик ўзгаришлар пайдо бўла бошлаганини кўрсатади.

Қадимги туркий тил ёзма манбалари тошларга битилган ва улар рун ёки уйғур ёзувида ёзилган.

Буларнинг йирик намуналари:

1) Кул тигин;

2) Билга хоқон;

3) Тўнюкук;

4) Унгин;

5) Кули чур битиктошлари ва яна бошқа кўплаб обидалардир.

Бу даврда қўлланган уйғур ёзувини М.Қошғарий «турк ёзуви» деб атайди. Бунда 18 та ҳарф борлигини ва туркий тилларда мавжуд бўлган 7 та товуш (п,ж (портловчи), ж (сирғалувчи), ф,ғ,г,нг) учун махсус ҳарфлар йўқлигини, унсилар эса араб тилидагидек эмас, алоҳида ҳарфлар билан фодаланишини айтиб ўтади.

Қадимги турк ёдномаларининг йирик маълумотлари бир неча туркий лаҳжаларни ўз ичига олган адабий тилда ёзилган. Бу ёзма адабий тил кўпгина туркий қабилалар учун умумий бўлган оғзаки адабий тил асосида вужудга келган. Мана шу тил қадимги туркий тил деб аталади. XI асрда унинг ўрнини шу асосда вужудга келган ва унга нисбатан жуда ривожланган эски туркий тил эгаллади.

Қадимги туркий тилда 8 та унли фонема бўлиб, улар бир-биридан қатори, тор-кенглиги, лабланиш-лабланмаслиги билан фаркланади: а,ы,о,у орқа, э,и,щ,у олд қатор унлилари. Эски туркий тилда 9 та унли мавжуд эканлиги асарлардан маълум. А,э,э,о,э,у,ы,и.

Қадимги туркий тилда б,м,н лаб ундошлари мавжуд. Сирғалувчи ф ундоши йўқ. Қадимги б ҳозирда м га айланган: бэн-мэн.

Эски туркий тилда п ундоши б билан аралаш қўлланиши кўзга ташланади: конуп-қабуб; тэп-тэб = деб.

Шунингдек п товуш бу даврда ф товуши билан ҳам алмашишни келиши учрайди: оптанур-офтанур.

Қадимги туркий тил морфологик тил жиҳатдан ҳозиргача бўлган ва ҳозирги туркий тиллар сингари аглютинативдир. Аммо қадимги туркий тилдаги сингарманизм хусусияти ҳозирги туркий тилларда йўқ. Туркий тиллар тарихига қизиқиш европа олимларида ҳам кучайиб борган ва ҳозирги кунда уларнинг қилган ишлари ўзимизнинг олимларимиз учун ҳам аҳамиятли манба ҳисобланиб келмоқда. Жумладан: Ф.Е.Корш, Н.И.Ильминский, Н.Ф.Катанов, В.А.Богородский таснифлари туркий халқларнинг географик ўрнига ва туркий тилларнинг фонетик хусусиятларига асосланган. А.Н.Самойлович туркий тилларни тағ-тау, тағлиқ-тағли, бол-ол, қалған-қалан каби сўзлардаги фонетик ҳодисаларга ҳамда р,д ундошларининг қўлланишига кўра тасниф қилган.



Эски туркий тилга хос баъзи фонетик ҳодисалар ички қонуниятлар асосида эволюцион йўл билан даврлар оша ривожланиб келди.

Қадимги туркий тилга хос (фонетик) олд қатор, лаблалмаган унли э(а) эски туркий тил даврида гармония, ургу, дифтонг, умлаут каби фонетик ҳодисалар ва грамматик заруриятлар юз бериши натижасида дивергенция ҳодисасига учраб, олд қатор лаблалмаган тўлиқсиз э товушига (э-э) айланган, э унлиси эски туркий тил даврида туркий сўзларнинг биринчи бўғинида қўлланган, эски ўзбек тилида эса бироз торайган ва э товушига айланган.

XIII-XIV асрлар ёзма манбаларида қўлланган ундошлар қадимги туркий тил ёзма манбаларига нисбатан бироз фонетик ўзгаришларга учраган. Қадимги туркий тил ёзма манбаларида махсус график билан ифодаланган қўш ундошлар эски туркий тил даврида икки компонентга ажраган. «Б» ундоши қадимги туркий тилдан эски туркий тил даврига ўтганда ўрнига қараб лаб-тиш товушига ўтган: сабчи-совчи-саб-сав-сўз; эб-эв -уй суб-суб.

Шунингдек эски туркий тил ёзувида w ундоши в га, Д ундоши Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида углаут ва ауслоут позицияларида характерли хусусит касб этган: будун-халқ; эдгу-эзгу; бэдук-булюк; адак-оёк; бод-буй, вужуд. XI-XII ва XIII-XIV аср ёзма манбаларида эса д ундоши турли комбинатор ўзгаришларга учраган: д-т>з-з-й фонетик ҳодисалари содир бўлган: будун-бузун-халқ; этгу-эдгу-эйгу-эдгу; адак-азақ-айак.

XI-XIV аср ёзма обидалари тилига хос характерли хусусиятлардан бири з (і) эски ўзбек тилида янги (й) фонетик хусусият касб этган.

Қадимги туркий тил ёзма манбаларида ҳозирги-келаси замон сифатдошнинг бўлишсиз формаси охиридаги з эски туркий тил асарларида с га айланган: эрмэз=эрмэс, билмэз-билмас; булмаз-булмас.

Юқорида айтилганидек, қадимги туркий тил морфологик тил жиҳатидан ҳозирги туркий тиллар сингари аглютинативдир. Сўз формалари сўзнинг негизига махсус кўшимчаларни муайян тартибда қўшиш билан ясаладиган тиллар аглютинатив тиллар дейилади. Қадимги туркий тилдаги морфемалар ўздан кейинги давр тили ва сингарманизм хусусиятини йўқотган шевалардан сингармонистик варианты борлиги билан фарқланади. Бу соф морфологик фарқ бўлмай, фонетик фарқдир.

Қадимги туркий тилда от, отлашган сўз ёки сифатдан от ясовчи кўшимчалар:

1. чы,-чи, бэдиз (нақш) - бэдизчи (наққош)

йог(аза) - йогчы (азани бошқарувчи)

ан (ов) - анчы (овчи)


2. -лык,-жик,-лук,-лук. ач - ачлык (очлик)

йэмиш -(мева) - йэмишлик (мевазор)

Чорук - чаруклук

кун - куклук ва хоказо.

Бу хусусиятлари билан қадимги туркий тил эски туркий тилга анча яқин. Бу табиий ҳол, албатта.



Масалан, «Хибатул-хақойик» да ҳам тарық (дон)-тарықлык (дала, экинзор); улуг-улуелуг; кэни (тўғри-кэнилик каби. Бу хусусиятлар бошқа сўз туркумларида ҳам учрайди:

1) қадимги туркий тилда,  
экин - экинлик  
куч - кучлуг

2) эски туркий тилда  
сақ+ынч - қайғу,ғам  
кыл - қылык

Эски туркий тилда олмошнинг 5 та тури учрайди. Қадимги туркий тилдаги олмош эса 9 хил хусусиятга эга. Шунингдек, эски туркий тилда; Бош келишик, қаратқич келишик, Жўналиш келишиклари мавжуд.

Қадимги туркий тилда ва эски туркий тилда бир-биридан айрим жиҳатлари билан фарқланувчи сўзлар кўп учрайди:

қадимги туркий тилда  
Нэнг - ҳар  
иди - эга  
эртэчи - бўлмас

эски туркий тилда  
ита солур - итарур  
Теким - барча  
ундаюр - чорлар

Шундай қилиб тилимизнинг узоқ ўтмишидаги ва яқин ўтмишидаги кўрниниши бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, диалектал кўрнинишидаги каби унча мураккаб бўлмаган ўзгаришлиликларга эгадир.

Фойдаланган адабиётлар:

- Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов. Қадимги туркий тил. 1982 й.  
Қ.Маҳмудов. XII-XIV аср ёзма обидалари тилининг фонетик системаси. 1990 й.  
Қ.Маҳмудов. Аҳмад Югнакий «Хибатул-хақойик» 1971.  
Қ.Маҳмудов. Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул хақойик» асари ҳақида. 1972.  
У.Турсунов, Б.Ўринбоев. Ўзбек адабий тили тарихи. 1982.  
Н.Б.Рабғузий. «Қиссаси Рабғузий» I-китоб. 1990.  
Э.Фозилов. Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девон»и.  
С.Муталибов «ДЛТ» ва унинг таржимаси.  
Ғ.Абдурахмонов. Равишдош тарихидан.  
Ф.Абдуллаев. «ДЛТ» Ўғуз компоненти.  
С.Иброҳимов, М.Асомуддинова, XI аср туркий тилларида касб-хунар атамалари ва уларнинг «ДЛТ» да акс этиши.  
А.Ишаев. «ДЛТ» ва ўзбек шевалари.  
А.Алиев. «ДЛТ» даги айрим аффиксларнинг Наманган группа шеваларида қўлланиши.  
О.Сулейманов. Етгисув эски ёзувлари.  
Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. №5.  
А.Н.Кононов. Маҳмуд Қошғарий ва унинг «ДЛТ» асари ҳақида.  
Қ.Маҳмудов. XI-XIV аср обидалари тилида айрим ундошларнинг диалектал хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти 1976. №5.

Ф.Абдуллаев. Замахшарийнинг «Муқаддиматул-адаб» асари ва унинг тили ҳақида.

Х.Неъматов. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида оямошлар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. №1.

Ў.Мирзакаримова. «ДПТ» даги айрим мақолаларнинг тил хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. №3.

Мавзу: «Девону луғатит турк» асарида туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятлари.

#### РЕЖА:

1. Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғатит турк» асари.
2. «Девону луғатит турк» асарида туркий қабилалар.
3. Маҳмуд Кошғарий - туркий диалектлар ҳақида.
4. Маҳмуд Кошғарий ва этнография.
5. Хулоса.

XI асрга келиб шаҳар ва кишлоқлардаги қабилалар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши натижасида тилда ҳилма-хил формалар қўлланади. Бу эса тилда маълум нормалар яратишда эҳтиёж туғдирди. Шу эҳтиёж ўз даврининг истеъдодли олими Маҳмуд Хусайн каби Муҳаммадил Кошғарийни «Девону луғатит турк» асарини ёзмисга давват этди. Бу асар туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарҳида алоҳида саҳифа очди. Асар туркий уруг ва қабилалар тилларининг хусусиятларини, уларнинг тарихи ва луғат бойлигини ўрганишга бағишланган. «Девону луғатит турк» асари 1072-83 йилларда араб тилида ёзилган.

Маҳмуд Кошғарий XI асрда Ўрта Осиё халқлари орасида етилиб чиққан йирик адабиётчи, тилшунос тарихчи, географ ва этнограф олимидир. У ўзининг бутун илмий-ижодий фаолиятини ўз халқининг тилини, тарихини, унинг халқ оғзаки ва ижодиётини, жойлашган худудини, урф-одатларини ва умуман туркий халқларнинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганишга, уни кенг тарғиб қилишга бағишлади.

Маҳмуд Кошғарий ўз даврининг атоқли олими сифатида тилшуносликка оид «Жавохирун паҳзи филлуоатит турк» (Туркий тилларнинг синтактик дурдоналари қондалари), «Девону луғатит турк» (Туркий сўзлар девони) каби асарлар яратди. М.Кошғарийнинг биринчи асари ҳозиргача фан оламида номаълум бўлиб қолмоқда. Иккинчи асари - «Девону луғатит турк» эса 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳридан топилди. Топилган қўлёзма ни кўчирган котиб Муҳаммад битти Абу Бакир Дамашкийнинг ёзишича, унусхани Маҳмуд Кошғарийнинг ўз дастхатидан олган. Девон 1915-1917 йилларда турк олими Р.Рифат томонидан Истанбулда 3 томлик китоб шаклида нашр этилди. 1928 йилда шарқшунос олим К.Броккелман бу асарни немис тилига таржима қилиб нашр этади. 1938-41 йилларда турк олими Басим Аталай уни усмонли турк тилига таржима қилиб нашр эттирди. 1960-63 йиллар

даъвомида тилшунос олим С.Муталлитбоев «Девону луғатит турк» асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирди.

«Девону луғатит турк» асари икки асосий бўлимдан - муқаддима ва луғат қисмидан иборатю Муқаддимада муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади девоннинг тузилиги туркий қабилалар тилларининг хусусиятлари ва уларни ўрганишининг аҳамияти, бу тилларда бўлган айрим фарқлар, шунингдек, асарда ишлатилган ёзув, феълдан от ясалиши, от ва феъллардаги ортторма белгилар, сўз ва ҳарфларнинг олдин-кейин келиш тартиби қабилар ҳақида қисқача маълумот берилади. Луғат бўлимида эса X-XI асрларда туркий қабилалар тилида кенг қўлланган сўзларга илмий-тарихий жиҳатдан изоҳлар берилади. Бунда ҳам асосий диққат кенг истеъмолда бўлган сўзларга қаратилган, қўлланиши чекланган, истеъмождан чиққан сўзларга эса изоҳ берилган эмас.

Демак, ўша давр тилида сўзларнинг қўлланиш даражаси, уларнинг фаол ёки суғлиги, сўз маъноларининг ўзгариши каби ҳодисаларга кўпроқ эътибор берилган. Шу жиҳатлари билан асар жуда қимматли ҳисобланади.

«Девону луғатит турк» асарида туркий қабилалар.

Маҳмуд Қошғарий тил фактлари асосида қабилаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини кўрсатди ва ўша даврдаги иқтисодий-ижтимоий шароитлар асосида қабилаларнинг бир-бирлари билан бирика бошлаши натижасида юзага келган халқ тилининг илк даври материалларидан намуналар келтирди.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарини ёзишдан мақсад илгари кўп йиллар давомида туркий қабилалар орасида юриб, уларнинг тилларини, тарихини ва урф-одатларини синчиклаб ўрганади, жуда кўп миқдорда лексик материал-сўз ва иборалар, шеърин парчалар, мақол ва ҳикмагли сўзлар тўплайди, уларни ўзаро чоғиштиради ва умумлаштиради. «Туркий сўзлар девони»нинг кириш қисмида Маҳмуд Қошғарий Рим (Кичик Осиё)дан то Хитойгача бўлган ерларда яшаган туркий халқларнинг номларини бирма-бир келтиради. Улар бажанак, қитчок, ўғуз, ямак, бошқирт, басмил, қай, ябоку, татар, киргиз, чигил, тухси, яғмо, игрок, жару, жамул, уйғур, тангур, табғоч халқларидир. Девонда ана шу туркий халқлар яшаган географик ўринларни кўрсатувчи доира шаклидаги харита ҳам киритилган.

Маҳмуд Қошғарий бу қадимги қабилаларни ва уларнинг қадимги содда тилларини мисоллар асосида муқаммал изоҳлаб берди. Бунинг учун ўша даврда мавжуд бўлган қабилалар тили намуналарини тўплайди. Бу ҳақда «Девону луғатит турк» асарида шундай фикрлар келтирилади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, яғмолар, киргизларнинг шаҳарларини кишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим... Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Маҳмуд Кошғарий асаридаги туркий қабилалар ҳақидаги маълумотлар кўпгина адабиётларда учрайди. Жумладан, Хасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» ва «Ўғизхондан қолган мулк асарларини олиб ўқисак, биз бир томирдан тўралиб, ер юзига сочилган қондош-қраиндошларимизнинг ким эканлигини билиб оламиз

Маҳмуд Кошғарий - туркий диалектлар ҳақида

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари эски туркий тилининг диалектал хусусиятларини ўрганишда қимматли манбадир. Мазкур асарда, ўрни билан, диалектлар орасидаги фарқлар, уларнинг фонетик, лексик-семантик, морфологик жиҳатлар баён этилади.

Маҳмуд Кошғарий диалектларнинг катта бир гуруҳини «турк», маълум бир диалект, қабила, уруғларни уларнинг номи билан умуллаштиради.

Сугдак, канжак, арғулар, хўтанлилар, тубут ва тапсутларнинг баъзилари сугдча ва туркча сўзлашувчилар гуруҳига киритилади. Диалектлардаги ушбу фонетик хусусиятлар кўрсатилади. Турклардаги сўз бошида келувчи й ўғуз ва қипчоқларда тушиб қолади ёки ж га айланади. Масалан: йэлкин- элкин «мусофир», йилиғ суи - илиғ суиб «илиқ сув» ва х.к.

Сўз бошидаги м ни ўғузлар, қипчоқ ва суворинлар б га айлантирадилар: мэн-бэн «мен», м у и! - бу н» шўрва»

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги д ўғузларда т га айланади. Масалан: бугдг - буктэ «ханжар», йигдэ-йиктэ «жийда».

Диалектларда, Кошғарийнинг мисол келтиришига кўра, ч нинг ж га кўчиши, даранглининг жарангсизлашуви ва бошқа фонетик ҳодисалар ҳам кузатилади. Морфологик хусусиятлар. Девонда ўша давр диалектлари орасидаги морфологик ўзига хосликда ҳам ёритилган.

Жумладан, кўпчилик туркларда буйруқ бирлик учун бар, икки киши бўлса, баринлар иккигу (иккевингиз боринг), кўплик учун баринлар камуғ шаклида учрайди. Барин шакли хурматни ифодалайди.

Фельнинг ўтган замон шаклини ҳосил қилишда диалектлар икки гуруҳга ажралади: яғмо, тухси, чигил, арғу уйғур, то Чингача бўлган ҳамма қабилалар -ди,-ли: -ти,-ти аффиксини кўшиб ясайдилар: барди «борди» кэлди «келди» каби.

Чигил, қашғар, арғу, барсаған, уйғур ва юқори Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси -ғўчи, гучи: -кучи, кучи аффиксли сифатдошни кўллаганлар: қашғучи «ўғирловчи».

Чигил, яғмо, тухси, арғу, уйғур, то юқори Чингача бўлган ҳамма қабилаларда «исми замон» «исми макон» фель ўзагига - ғу,-гу: -ку,-ку аффикси кўшиб ясалган бўлса, ўғузлар, қипчоқ, бажанак, булғорларда фельнинг буйруқ шаклига -аси, эси аффикси кўшиб ясалган. Масалан, Бу ўша қурғу оғур эрмж - Бу йа қураси оғур теғул «Бу ёй қурациган пайт эмас». Бу йа турғу йэр эрмж - Бу тураси йэр туғул «Бу турациган

жой эмас». Лексик хусусиятлар. Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги диалектларнинг лексик хусусиятларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган. Мазкур асарда ўша давр истеъмолда бўлган сўзлар ўрин олган бўлиб, умумхалқ тилининг лексик бойлиги акс эттирилган. Шу ўринда М.Кошғарий томонидан маълум бир диалектга мансуб леб изоҳланган сўзлардан келтирамыз.

Ўғузлар қўллайдиган сўзлар: ашақ, «тубан, куйи», алиқ, қуш тумшуғи». Чигиллар қўллайдиган сўзлар: уд «сиғир», ажун «дунё», «ўзи» икки тоғ орасидаги кенг йўл».

Қарлуқча сўзлар: уличим» ўғилчам, қарағим», суғут», сузма», иткәрди «ит вовиллади».

Қирчоқча сўзлар: оқил «кўп», аба «айиқ», сулақ» қора ханжар», ажан «икки елканли кема».

М.Кошғарийнинг туркий диалектлари ҳақида биз кўпгина маълумотларни А.Алиев ва К.Содиқовнинг «Ўзбек адабий тили тарихидан» номли китобидан билиб олишимиз мумкин.

### Маҳмуд Кошғарий ва этнография.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»иджа туркий халқлар этнографиясига оид жуда кўп қимматли маълумотлар учрайди.

«Девон»даги шеърий парчалар айрим сўзлар маъносига доир лавҳалар тарзида келтирилган. Улар турли-туман маънодадилар. «Девон»даги шеърларнинг асосий мазмунини ҳаётнинг реал лавҳалари ташкил этади. Бу шеърларнинг баъзиларида меҳнаткаш, камбағал халқнинг аянчли оғир турмуши, юқори феодал гуруҳларнинг айш ва ишратга оид ҳаёти ҳам ўз ифодасини топган. Кўпгина шеърлар дидактик характерга эга. Улар эзгулик, меҳнатсеварликни улуғлайдилар, турли иллат ва нуқсонлардан холи бўлишга, инсонлик шарафини баланд тутишга чақирадилар. Ҳарбий мавзулардаги шеърлар жангдаги шахсий қаҳрамонлик душманга қарши қаҳру-ғазаб, ғалабага ишонч ва интилиш туйғуларини ифодалайди. Масалан, отанинг ўғлига насиҳати ифодаси учун куйидаги шеърни келтиради.

*Боқмас будун савуқ сўз,*

*Юдқи юзи саранқа.*

*Казган улич түзунлук,*

*Калсунч авинг йаринқа.*

Мазмуни:

*Боқмас жажон совуқ сўз,*

*Ишқим юзсиз бахилга.*

*Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,*

*Колса номинг кўп йилга.*

«Девон» даги шеърий парчалар орасида Ёз билан Қиш торғишуви, тасвири, ашлар вафотига марсиялар бор. «Девон»даги шеърлар Ўрта Осиё халқларининг қадимий илк ижодидан намуналардир. Ундаги айрм тарихий воқеаларнинг шеърий тасвири Ўрхун-Енисей ёзувидаги қайдлар

билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, бу китобда бундан тўққиз-ўн аср бурун халқ ўртасида кенг ёйилган мақолалардан ҳам анча намуналар бор. Улар халқ ҳаётининг тажрибасидан келиб чиққан фикрлар жавҳаридир. Инсон фазилати олижаноб хусусиятларнинг шарҳи, турмушнинг турли-туманлигини ўрганиб қилинган хулосалардан иборатдир. Масалан, «Қут билгиси биллик» - Бахт белгиси илм ва ақлдир. Кишининг тили ҳақида шундай бир мақол келтиради: «Ардаш боши тил» - Одобнинг бошланиши тилдан. Ёки «Қуруқ қошиқ оғизга йармас» -Қуруқ қошиқ оғизга ёқмас ва ҳоқазолардир.

#### Хулоса.

«Девон» туркий халқларнинг X-XI асрлар, аксаран ислом истилосидан бурунги ҳаёти тўғрисида, уларнинг яратган бадий асарлари тўғрисида маълумот бергучи ягона асардир.

Диққатга сазовор томони шундаки, «Девон» даги шеъринг парчалар исломдан бурунги туркий тилдаги шеъринг жанрлари, шакли, бадийати, тасвир воситалари тўғрисида, уларнинг юксаклиги, бадий жарангининг юксаклиги тўғрисида аниқ тасаввур туғдиради.

Шундай қилиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари» да X-XI асрларда юқори Чиндан Ўрта Осиёгача бўлган катта ҳудудда яшаган туркий қабилаларнинг тиллари, жонли сўзлашув нутқи ва диалектларга ҳос хусусиятлар кенг изоҳлаб берилди. Асарда жуда бой ва қимматли лингвистик материал билан бирга ўша даврда яшаган халқларнинг тарихи ва этнографияси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи улар яшаган ҳудуднинг географик табиий шароити қабилар тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади.

Демак, туркий халқларнинг тарихини, маданиятини, адабиёти ва санъатини, уларнинг яшаш шароитини ва урф-одатларини ўрганишда «Девону луғотит турк» жуда катта қимматга эга асар ҳисобланади. Бу асар, айниқса туркий тилларни, уларнинг ривожланиш хусусиятини ўзаро бир-бирига таъсири масалаларини аниқлашда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У фақат тилшунослик асари бўлибгина қолмасдан ўз даврининг қобусномаси ҳамдир. Чунки унда турли халқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одати, табиий шароити, этнографияси ҳамда адабиёти ҳақида қимматли манбалар бор.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- А.Мухторов, У.Санакулов «Ўзбек адабий тили тарихи». Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1995 йил, 51-56-бетлар.
- А.Алиев, Қ.Содиқов «Ўзбек адабий тили тарихидан». Тошкент. «Фан» нашриёти, 1994. 89-95-бетлар.
- В.Абдуллаев ва бошқалар «Ўзбек адабиёти тарихи». Тошкент. «Фан» нашриёти. 1977. 1-том. 88-94-бетлар.

У.Турсунов, Б.Ўринбоев. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент. Ўқитувчи. 1982. 34-37-б.

Ўғизхондан қолган мулк. Тошкент. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1995.

Ҳасан Ато Абуший «Туркий қавмлар тарихи». Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1995.

#### «Девону луғатит турк» асарининг морфологик ва лексик хусусиятлари

Ўрта Осий халқлари тарихида бениҳоят муҳим манба бўлган «Девону луғотит-турк» соддача луғат деб машҳур бўлган эса-да, аслида, бу фақат у давр тилидаги сўзларни изоҳловчи луғат китобигина эмас, балки шу билан бирга ўша даврда бугун Ўрта Осиё доирасида, яъни юКори Чиндан бошлаб, бугун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта территорияда яшаган уруғлар, қабилалар, халқларни ва улар тилларини ва давр тилининг фонетикаси, морфологияси, лексикаси ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ва у давр тилидаги ҳар хил адабий жанрлардан намуналар берувчи нодир филологик асардир. Шунинг учун бу асар Ўрта Осиё халқлари тарихини ёригиш учун, хусусан тил тарихини ўрганиш учун бениҳоят муҳим манба.

Девондаги тил фактлари ёлғиз XI асргагина хос бўлмай, улар яна ҳам қадимги даврлар тилидан ҳам намунадир. Чунки М.Кошғарий тил фактларига тарихий асосда ёндошади. Унинг ўз сўзи билан айтганда у бу асарни тилнинг қадимги ҳолини, узоқ ўтмишини ўрганувчиларга ўтиш даври хизматини қилувчи қўлланмадир. Сўнги даврлардаги тил ўрганувчи тадқиқотчиларга унга қиёс қилиб фойдаланишларига ва керакли илмий хулосалар чиқара олишларига мос кўприк қилмоқчи бўлган эди.

XI асрдан то ҳозиргача тил ўзининг ички тараққиёт қонунларига мувофиқ фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатлардан ҳам бир қанча ўзгаришларни кечирган, ривожланган, такомиллашган. XI аср ёзма ёдгорликлари юзасидан кузатишларга қараганда у давр тили билан ҳозирги тил орасида яқинлик ва баъзи фарқлар борлигини, лекин бу фарқлар уларнинг бир-бирига яқинлигини кўрсатувчи фарқлар эканини, бу орада тилимиз ўз бошидан кечирган тарихий тараққиёт натижасида юзага келган фарқлар эканини кўрсатади. Масалан, бу асарда от, сифат, сон, олмаш, феъл, рафиш, ёрдамчи сўзлар ва ундов сўзлар устидаги кузатишлар у давр тил фактлари ҳозирги тил фактларига яқинлиги ва мослигидан дарак беради.

М.Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида маълум бўлишича, у даврда сўзларни уч категорияга бўлинган: 1) исм, 2) феъл, 3) харф. У даврда от, сифат, сон ва олмашларнинг ҳаммаси от деб юритилган. Сўз турларидан баъзилари - чунончи от билан сифатнинг



бир-биридан айрилмаслик хусусияти маълум даражада ҳозирги тилимизда ҳам бор.

М.КошҒарий у давр тили устида ўзи тўплаган бой материаллардан от ҳақида шундай хулоса чиқарган.

Таржимаси: Исмлар икки хилдир: 1) туб исм. 2) ясама исм.

КошҒарий бу ерда кўрсатган исм деган сўзи от, сифат, сон, оллош, равиш категорияларининг ҳаммасини ўз ичига олади.

М.КошҒарий феълдан от ясовчи кўшимчаларида - моқ аффиксини изохлаб, тикон илмоқ сўзининг масдар формаси илмак экапи, напта тушмоқ маъносидagi илмоқ-инмоқ сўзининг масдар формаси илмоқ деб кайд қилади.

-Ғу, -гу, -ку,-ку. Бу аффикслар кўпинча -гу ҳолида учрайди. Шунинг учун М.КошҒарий фақат -ғу формасини кўрсатган: -ғу аффикси феъл ўзакларига қушилиб жой оти, вақт оти, курул оти ясайди - борғу ер (борар жой), турғу ер (турар жой) каби.

Тилда бир неча сўз қўшилиб янги сўз ясалиш қондасини XI асрдаёқ Маҳмуд КошҒарий кўрсатган. «Девони луғотити турк» да бу асосда ясалган сўзларга мисол кўп. Масалан, М.КошҒарий саксон, тўксон сўзларини изоҳлар экан, бу сўзлар икки сўзни бирлаштириш асосида бирикиб ясалган янги сўзлар эканини уқдирган. Яъни: «Тўксоннинг асли туқўз ўндир, икки сўз бирикиши билан янги сўз ясалгандир. Чигилларнинг баъзилари бу сўзни тўхсун тарзида талаффуз қилдилар.

М.КошҒарий маълумотиға кўра, бир қисм қўшма отларнинг ҳар икки сўзида ҳам фонетик ўзгаришлар юзага келиб, тамоман бирикиб кетган. Улар аввалда икки мустақил сўздан таркиб топган бўлишиға қарамай, тамоман бирикиб, бир сўз ҳолиға келиб қолган.

М.КошҒарийнинг «Девонда берган маълумотиға кўра, XI аср тилида отларға қўшилиб янги маъноли от ясамай, от мазмунини ўзгартувчи аффикс 0 кня, -кия (кина) аффиксидир. Лекин М.КошҒарийнинг бақачуқ сўзи ҳақидаги изоҳиға кўра, кичрайтириш маъносида бу аффикслардан бошқа у даврда -чуқ аффикси ҳам бўлган. Бу сўз, «Девон» да қуйидагича изоҳланган:

Таржимаси: «Бақачуқ» бақанинг кичкинаси, яъни кичкина бақа демақдир.

Сифатдош.

Сўз туркумлари орасида ўзининг лексик, семантик ва грамматик функциялари билан қадимги даврлар тилида ҳам ўзига хос ўрин олган. М.КошҒарий бу сўз туркумини фонл - касбу ҳунар эгаси англатувчи исм деб атаган. Сўнги даврлардаги айрим дарсликларда уни феъл категориясиға киритиш ҳоллари ҳам учрайди.

«Девону луғатит турк» материалларига кўра сифатдошлар у давр тилида икки хил усул билан, феъл ўзак ва негизларига -ан, -гу, - ар аффиксларини кўпиш билан ёки кўшма сўзлар оркали ясалар эди.

Белгилаш олмоши.

«Девону луғатит турк» даги фактларга кўра XI аср тилида белгилаш олмошларини иккига бўлиш мумкин.

1. Кўпчиликни, тўдани, предмет ва шахсларнинг ҳаммасини кўрсатувчи олмошлар.
2. Айрим шахс ва нарсани, якка ва ёлғиз нарсани кўрсатувчи олмошлар.

Бу ҳолда «Девону луғатит турк» да шундай ёзилган: «Кўпчилик шахс ва нарсаларни аниқловчи ҳамма маънолардаги сўз - барча сўзидир: барча келдилар - ҳаммалари келдилар маъносида».

Тусмол феъли.

Тусмол феъли буйруқ феълнинг бўлиши ва бўлишсиз формалари охирига -миш аффиксини кўшиб ясалган, бу феъл иш=ҳаракатнинг бўлган-бўлмаганини тусмол билан аниқлатади. Масалан: борди деган сўз бориш ҳаракати катъий бажарилди, ҳатто уни ўз кўзим билан кўрдимдемакдир. Аммо тусмол феълида иш-ҳаракатнинг бажарилишини сўзловчи ўз кўзи билан кўрмагандир. Масалан, ул бормиш - у борипти, лекин мен унинг борганини ўз кўзим билан кўрганим йўқ демакдир», - деб изоҳлайди.

М.Кошғарийнинг кўрсатишича, у даврда ўтимли, ўтимсиз феъллар аниқ фарқ қилинар экан. Лекин жонли тилда уларни аралаштириш биргина феъл формасини ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз функцияда аралаш-қўллаш ҳоллари ҳам бор эди. Масалан, у иситти феълни изоҳлар экан, бу феълни бир гапта ўтимли эканини, иккинчи гапта ўтимсиз деб кўрсатади: у шўрвани иситди, темирни иситиш (қиздириш) ва бошқаларга ҳам бу сўз қўлланади. Бу гапта иситди феъли ўтимлидир. Яъни одам исиди демакдир. Лекин бу хилда бир феълни ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз функцияда қўллаш айрим феъл шаклларигагина хос хусусият эди.

Тилнинг лексик тарихини ўрганиш, бир томондан, ҳар бир сўзнинг тадрижий таракит йўлларини очиб берса, иккинчидан, у тилнинг айрим даврлардаги бойлик даражасини ва маълум даражада морфологик, фонетик, синтактик хусусиятларини ёритишга ҳам хизмат қилади. Демак, лексика тарихини ўрганиш умуман тил тарихини ўрганиш учун ҳам жуда муҳимдир.

М.Кошғарийнинг кўрсатишича, ёз сўзи XI асрда ёз ва ёй формаларида талаффуз қилинар эди. Кўпинча ёй ишлатилган, «Девону луғатит турк» да бир неча маъноларда қўлланган: 1-ёз - қишнинг қаршиси, 2-бахор, 3-ёзмоқ-ёймоқ, маъносида қўлланган.

Сигир XI аср тилида сигир маъносида уч сўз: 1-«сигир», 2- инок, 3-уй сўзлари қўлланар эли. Булардан инок ва уй вариантлари ҳозир кўп жойларда тушинилмайди. Лекин Самарқанд ва Бухорода энок қўлланилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- М. Кошғарий, Девону луғатиг турк. Тошкент. 1960-1963йил.  
С.Муталибов, Марфология ва лексика тарихидан очерк. Т. 1959.  
Фозилов Э. М.Кошғарий ва унинг «Девон»и. Ўзбек тили ва адабиёти. 1971.  
Қононов А.Н. М.Кошғарий ва унинг «Девону луғатиг турк» асари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. 1-с.  
Алиев А., Солиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. Т. 1994.  
Турсунов У., Ўринбоев Б.Ўзбек адабий тили тарихи. Т., Ўқитувчи нашриёти.  
Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Т., Ўқитувчи нашриёти, 1982.  
Қаюмов А. Қадимият обидалари. Т., 1972.  
Кўчқортоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. Т., Ўқитувчи нашриёти. 1984.  
Фозилов Э.И. Ўзбек тилининг морфологияси тарихидан. 1965.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг поэтик тили

#### РЕЖА:

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ва унинг яратилиши.
2. «Қутадғу билиг» асарининг сюжети.
3. «Қутадғу билиг» шеърин асаридаги бадий тасвир воситалари.
4. «Қутадғу билиг» да туюқ жанри.
5. «Қутадғу билиг» нинг ўзбек адабий тилидаги аҳамияти.

XI асрда яратилган «Қутадғу билиг» асари ҳозирча бизгача етиб келган туркий бадий адабиёт намуналарининг энг кўҳнаси ҳисобланади.

«Қутадғу билиг», яъни «Саодатга йўлловчи билим» деб номланган бу асар Бало соғунлик Юсуф Ҳожиб қаламига мансуб Ҳажми анча катта, бадий пухта бўлган. «Қутадғу билиг» олти минг беш юз байт ёки ўн уч минг мисрага яқин шеърдан иборат. Муаллиф ўз асарига «Қутадғу билиг» деб ном қўйган. «Қутадғу билиг» - бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим демакдир. Бу ҳақда Юсуф шундай дейди:

*Китоб ати урдум «Кутадғу билиг»,  
Кутадсу, ўқуғлиқа тусту элиг.*

*Яъни:*

*Китоб отини «Кутадғу билиг» қўйдим,  
Ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин.*

Муаллиф китобни Қошғарда битиб тугаллагач, уни Тавғочхон даргоҳига олиб боради. Китоб Тавғоч Улуғ Буғра Қорахонга манзур бўлганидан Юсуфга Хос Ҳожиблик лавозимини беради.

«Кутадғу билиг» Юсуфдан ёлгорлик, унинг ўз номини мангулаштириш учун қўйган ҳайкал. Не-не шаҳарлар, бинолар, дарёлар, худлас, беҳисоб нарсалар пайдо бўлди ва йўқолди. Замона зайли, давр парвози, адоват яғмоси, жаҳолат балоси, зулмат савдоси, башарият зехни, заковати ва қўли билан яратилган не-не меросларнинг бошига сув қўймади. Юсуфнинг ёлгорлиги-чи, у сақланди, асрларни кечирди.

Асарда даставвал унвон (бош қисми), сўнг қисқа насрий муқаддима келади. Бунда тангрига ҳамд, ялавач (пайғамбар)га ва асҳоби наби (чаҳриёрлар)га наът айтилади, сўнг китобнинг қиммати, номи, хонга тортиқ қилиниши, тўрт рамзий қаҳрамонга туркча ном берилиши, китобда шу тўрт қаҳрамон ўртасида мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтиши борасида баён берилади.

Асар кичик бир сюжет билан бошланади. Ҳукмдор Кунтуғдиннинг илмга, маърифатга муҳаббати, олим ва фозил одамларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилаётганини эшитган ой тўлди, унинг хузурига етиб келади ва саройда қабул қилинади. Ойтўлдиннинг ҳаёти шу билан туғалланади ва унинг ўрнига ўғли Ўғдулмиш майдонга чиқади. Асарнинг давомида маълум бир сюжет йўқ. Лекин тўрт қаҳрамон мунозараси асносида турли ҳаётий зарур масалалар бир-бирига боғлаб баён қилинади, ҳамда ягона бир мақсадга бўй сундирилади. Ҳар бир бобда маълум бир масала баён қилиниб, баён тугагач, яқунловчи бир байт келтирилади, сўнг шоир сўзнинг эшит, доно нима дейди, билимли бундай дейди, бунга ўхшаш мана бу сўзни ўки, масалда бундай келади, фалон қабила беги бундай деган, сатрлар боши айтади ва бошқалар қаби хитобларг билан бир рубойи келтирилади ва фикр шубилан хулосаланади. Асар шеъринг асар бўлгани учун кўпгина бадийи воситалардан яхши фойдаланилган. Айниқса, мақолларга мурожаат қилиш санъатидан, яъни шарқ классик поэзиясига хос бўлган «ирсолул масал» санъатидан Юсуф Хос Ҳожиб моҳирона фойдаланади.

«Кутадғу билиг» нинг вазни ҳақидаги баҳс ҳам узоққа чўзилди. Бир кўп тадқиқотчилар уни ўнбирлик ҳижода битилган дедилар, яна кўшлар арузда дедилар, лекин туркийга арузни татбиқ қилиш кийинлигидан кўп ўринларда байтлар нуқсли чиққан дедилар. Лекин арузнинг туркий тилларда яратилган асарларга татбиқ қилишнинг ўз тақтги (фонетик қоидалари) мавжудки, Юсуф худди шунга амал қилган ва уни ўз асарига моҳирлик билан сингдирган.

«Кутадғу билиг» хижода эмас, арузда ёзилган. Юсуф арузда камчилик ва нуқсонга йўл қўйган эмас, аксинча катта муваффақият намунасини намоёниш қилган.

«Кутадғу билиг» арузнинг эпик тур учун қабул қилинган энг оҳангдори ва шарқ назми арузида «жанговор ўлчов» номини касб этган мутақориб баҳрида ёзилган.

«Кутадғу билиг» қандай асар? Аввало, у адабий асар, бадий адабиётнинг типик намунаси. Лекин у эпопея ҳам эмас, том маънодаги лирик асар ҳам, драма ҳам эмас. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чоратadbирларини мужассамлаштирган комусдир.

«Кутадғу билиг» панд насихат типидagi асар бўлганлиги учун ҳар хил ибратли, насихатомуз гапларни шеърий шаклда чиройли қилиб беради:

*Қара баш яҒиси қизил тил турур,  
Неча баш еди бу, тақи ма еюр.  
Башингни тиласанг тилингни кўдаз,  
Тилинг тегма кунда башингни еюр.*

Яъни:

*Қора бош ёви бу қизил тил турур,  
Неча бош еди у, яна ҳам еюр.  
Бошинг соғлиғи-чун тийиб юр тилинг,  
Тилинг истаган кун бошингга етур.*

Юсуф ҳос Ҳожиб бундай маънони шеърларига сингдириш билан бирга бир талай махсус бадий тасвир воситаларидан ҳам моҳирона фойдаланган.

Масалан, қуйидаги байтда:

*Тириклик тедукунг бу елтек кечар,  
Қачар, етса бўлмас, ани ким булур.  
Яъни:  
Тириклик деганинг шамолдек ўтар,  
Қочар, етса бўлмас, уни ким тутар.*

Ўхшатиш воситаси қўлланган. -дек қўшимчасининг тарихий варианты - тек қўлланган.

*Келур қут кишиға, ати жавланур,  
Янги айтек, артар, яруқи бўлур.*

Яъни:

*Келар давлат эрга, у шуҳрат топар,  
Янги ойдек ортар, ёруғи тўлар.*

Қуйидаги тўртликда эса ўхшатиш ва қаршилантириш воситалари қўлланган.

Қилинчи қари ўглан узлуг уқуш,  
Ўқуш қайда бўлса, ангар бар, япуш.

Кичиги севуглуг, қариси амул,

Ўзи тузун, алчақ, кўр, асҒи ўҒуш.

Яъни:

Зако - ёшдек, оқил қаридек зехн,

Зехн қайда бўлса, бор, унга еин,

Қарилиги - савлат, гўзал-ёшлиги,

Ўзи аъло, афзал, танай, кўр нафъин.

Юсуф Хос Ҳожиб такрор санъатидан ҳам мохирона фойдаланган.

Очиб айт менга, ким фароғатли эр?

Кишилар ичиди тугал бахтли эр?

Бири - бахти келган, зиёд давлати,

Бири - жойи тўрдаги ҳурматли эр.

Асли:

Менгилиг қайу ул, манга ай йўра,

Киши қутлуҒи ким кишилар ара.

Еса берса дуня, тирилса қутун,

Тақи бир ажунда бу бўлди тўра.

Қаю эрда бўлса уқуш била ўч,

Ани эр атағил, неча ўчса ўч.

Уқуш, ўч, билиг кимда бўлса тугал,

Явуз эрса кад те, кичиг эрса ўч.

Юқориди айтиб ўтганимдек, Юсуф Хос Ҳожиб «ирсолу масал» санъатидан яхши фойдаланган.

Кичикка улуҒлиқ улуҒдин тегир,

УлуҒқа тапунса кичиг қут алир.

УлуҒлар сўзин тут, юмуш қил, югур,

УлуҒ сўзи тутса, тилакка тегир.

Яъни:

Жаҳонда одатдир улуҒ иззати,

УлуҒ келса турмоқ - киши одати.

УлуҒга кичик ҳурматидир ҳусн,

Кичик ҳам улуҒдан кўрар ҳурмати.

Бу тўртликнинг мазмуни «қаттага ҳурда, кичикка иззатда бўл» мақолига мос келади.

Сўзуг барча сўз теб чиқарма тилин,

Кўру, сақну сўзла, керакин билин.

*УқушлуҒи кўрдум, кўр, аз сўзлади*  
*Уғуш сўзладим теб, ўқунди йилин.*  
Яъни:  
*Ҳама сўзни сўз деб гапирма узоқ,*  
*Керак сўзни сўзла, бўлиб кўз-қулоқ.*  
*Зеҳнлини кўрдим, у оз сўзлади*  
*Талай сўзладим деб ўқинди бироқ.*

Бу тўртлик мазмуни эса «оз сўзла, саз сўзла» мақолага яқин келади. Қуйидаги тўртлик мазмуни эса «Меҳнатнинг таги раҳат» мақолига тўғри келади.

*УлуҒтуққа артуқ қуванма кула,*  
*УлуҒ бўлунг эрса баш аҒриҒ била.*  
*Севинч қайда эрса сўнгинда бала*  
*Эраж қайда эрса минг эмгак била.*  
Яъни:  
*УлуҒликка ортиқ Ғурурланмагин,*  
*УлуҒ бўлсанг, ўзга бош оҒриҒ дегин.*  
*Севинч қайда бўлса, сўнгинда бало,*  
*Роҳат меҳнат билан эрур, англагин.*

Маълумки, мазмунан бир фикрни изчил давом эттирувчи ягона қофия тартибига эга бўлган, тўрт мисралардан ташкил топган шеърини асар тўртлик деб юритилади. Агар шеърини тўртликдаги мисраларни ўзаро бирлаштириб турувчи қофияланувчи сўз шаклан бир хил аммо мазмунан бошқа-бошқа маъноларни англатса, яъни омоним сўзлардан иборат бўлса, бундай қофиялар тажнисли қофия саналади.

Тажнис (шаклан бир хил, аммо мазмунан бутунлай бошқа-бошқа сўзлар) шарқ адабиётида жуда қадим замонлардан кенг қўлланилиб келиналган шеърини санъат бўлиб, унда тўртликнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисраларидаги қофиялар тажнисли сўзлардан иборат бўлади.

«Қутадғу билиг» дан келтирилган юқоридagi тўртликда «ўч№ сўзи «мақта», «катта ёшли киши», «улуҒла» каби маъноларни англатади.

*Қаю эрда бўлса уқуш била ўч*  
*Ани эр атаҒил, неча ўчса ўч.*  
*Ўқуш, ўч, билиг кимда бўлса тугал,*  
*Явуз эрса кад те, кичиг эрса ўч.*

Юсуф Хос Ҳожиб (ўша давр) тилидаги синонимларни ёнма-ён қўллаш билан кўпгина стилистик янгилик яратишга муваффақ бўлди. Ёнма-ён келган синоним сўзлар ўзларининг аввалги маъносида эмас, балки бошқа абстракт маънода қўлланади. Масалан, сарой-қарши сўзини иморат, мол-мулк маъносида, твар сўзини бойлик маъносида, куч-қувват сўзини имконият маъносида қўллайди.

«Қутадғу билиг» ҳажми жиҳатдан катта, жанрига кўра давр учун янги китобдир. Асар жанри ёзувчилар куйидагиларни - ўша даврдаги

тарқок қабилалар тилида мавжуд бўлган тил фактларини, тил хусусиятларини пухта ҳисобга олишни, келажакдаги тил тараққиётига хос хусусиятларни қабул қилишни, бундан ташқари халқ оммасининг сўз қўллашдаги практикасига суяниб ишлашни, стилистик силлиқликка тўла риоя қилишни талаб қиларди. ЮсуфХос Ҳожиб бу талабларни ўз дostonида шараф билан бажарди. Натижада, «Кутадғу билиг» асари ўша давр тилини маълум бир системага солди ва адабий тилини янгиликлар билан бойтди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ўлмас обидалар. М.Исҳоқов, Н.Раҳмонов, К.Содиқов, Б.Тўхлиев. Тошкент. «Фан». 1985.
- Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг». Қаям Каримов. Тошкент. 1979.
- Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (X-XV асрлар). В.Зоҳидов таҳрири остида. Тошкент. Фан. 1970.
- Ғ.Абдураҳмонов. «Кутадғу билиг» асари ҳақида. ТошДУ. Илмий асарлар тўплами. 1970.
- Қ.Каримов. Категория падежа в языке «Кутадғу билиг». Автореферат. Ташкент. 1962.
- Б.Тўхлиев. «Кутадғу билиг». Тошкент. 1979.



## Мундарижа

Уқтирини хати.....	4
1 - мавзу. Ўзбек халқи ва тилининг номлаinish тарихи.....	4
2 - мавзу. Ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар уртасида тугган ўрни.....	11
3 - мавзу. Қадимги туркий адабий тил.....	12
4 - мавзу. Эски туркий адабий тилининг номлаinishи.....	13
5 - мавзу. «Девону луғатит турк» асарида туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятлари.....	19
6 - мавзу. «Девону луғатит турк» асарининг морфологик ва лексик хусусиятлари.....	24
7 - мавзу. Юсуф Хос Ҳожиюшин «Куталгу билан» асарининг поэтик тили.....	27